



ИНГЛИЗ ТИЛИ МЕТОДИКАСИ ТЕРМИНЛАРИ ҲАҚИДА

Ашурова Насиба Мухаммадиевна

Термиз муҳандислик-технология институти
 “�збек тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8055601>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 14-June 2023 yil
 Ma'qullandi: 17-June 2023 yil
 Nashr qilindi: 19-June 2023 yil

KEY WORDS

Термин, ўқитиш
 методикаси терминлари,
 лингводидактик луғатлар,
 термин этимологияси, тил
 эквивалентлари.

ABSTRACT

Терминни билиш ўқитиш фанни билиш
 демакдир. Уч тилдаги терминларни бир
 тилдан иккинчи тилга таржима қилиш
 чоғиштириш илмий тадқиқот олиб бориш
 билан шуғулланувчи илмий ходимларга,
 таржимонларга тиллар фаолияти билан
 шуғулланувчи кенг китобхонлар оммасига
 хизмат қилади.

Бизда тил ўқитиш методикаси терминлари монографик тарзда ўрганилмаган, тегишли тил (ёки тиллар) материали асосида тузилган лингвометодик луғатлар йўқ ҳисоби. Ҳолбуки, рус тили ўқитиш методикаси терминлари устида жиддий кузатишлар олиб борилган, луғатлар чоп этилган. Ўтган асрнинг 70 - йилларида собиқ иттифоқда бир тилли ва кўп тилли лингвометодик луғатлар чоп этилган. Булар Г. В. Рованинг “Методика обучения английскому языку” - Л.: Просвещение, 1975) дарслиги, (мазкур дарсликка инглиз тили методикаси терминлари илова қилинган, 289 – 305-бетларига қаранг), Л. С. Андреевская - Левенстернинг “Методика преподавания французского языка в средней школе” (- М.: Просвещение, 1982 дарслиги. Ушбу дарс-ликнинг 212 – 219 – бетларида методик луғат келтирилган, Н. И. Гез, М. В. Ляховицкий, А. А. Мирлюбов, С. К. Фоломкина, С. В. Шатиловларнинг “Методика обучения иностранным языкам в средней школе” (-М.: Высшая школа, 1982) дарслиги, А. Н. Шчукиннинг “Лингводидактический энциклопедический словарь: более 2000 единиц (-М.: Астрель: АСТ: хранитель, 2007) луғати ва б. 20 – асрнинг охирида Ўзбекистонда ҳам методик терминлар яратила бошланди. 1984 йилда Сайдалиева ва бошқаларнинг “Русско- немецко - французско - ўзбекский словарь методических терминов (Т.: Ўқитувчи, 1989) луғати шу соҳадаги дастлабки ишлардандир.

Ўзбекистонда 1978 йилда С. Соатов ва Ғ. Алиев В. С. Сетлиннинг таҳрири остида чоп этилган “Ўрта мактабда чет тил ўқитиш курси” номли китобини таржима қилганлар. Шундай кейин 1996 ва 2012 йиллар Ж. Жалоловнинг “Чет тил ўқитиш методикаси” дарслиги, 2003 йилда Ў. Ҳошимов ва И. Ёкубовларнинг “Инглиз тили ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмиси чоп этилди. Проф. Ж.

Жалоловнинг қайд этилган дарслигига илова қилинган луғат Ўзбекистонда инглиз тили методикаси терминларини яратиш бўйича қилинган дастлабки уринишдир. Қуйида шу ҳақда гапирамиз.

“Терминлар изоҳли ассоциатив луғати” деб номланган ушбу иш “Кириш”, “Луғат сўзлиги” ва “Луғат”дан таркиб топган. “Кириш” да чет тил таълимида соҳавий луғатларнинг ўрни, турли давр-ларда М Д Ҳ мамлакатларида чоп этилган луғатлар санаб ўтилган.

Ҳақиқатан ҳам, лингводидактик луғатлар соҳа ва унинг терминларини бир хил тушунилишини, дарсликларнинг мазмунан уйғунлигини таъминлайди, термин қўллашда бошбошдоқликка чек қўяди. Луғат қуйидаги лексикографик тартиб – қоидалар асосида тузилган:

- изоҳланаётган термин этимологияси ўрта қавсда олинган ва туркий ўзакли сўзлар бундан мустасно экани таъкидланган;
- икки нуқта бирикма термин мақомини олганига ишора;
- якка сўз мавқеидаги терминлар ажратиб берилган;
- русча ва рус тили орқали кириб келган терминларнинг урғуси кўрсатилган;
- синоним терминлар орасига чизиқча қўйилган;
- антоним терминлар ўртасида “ва” боғловчиси ёзилган;
- термин билан ассоциатив боғланган бирликлар тўғри чизиқ билан ажратилган;

Луғат мақаласи доирасида термин ўрнида - белгиси (тилда қўйилган). Шундан кейин луғат сўзлиги алифбо тартиб келтирилган. Бунинг нега шундай қилингани, ундан кўзланган мақсад кўртилмаган.

Проф. Ж. Жалоловнинг мазкур микролуғатида бугун ўзбек тилида эквивалентлари бўлган русча ва интернационал терминлар кўплаб учрайди. Қиёсланг:

Луғатда

Ҳозирги ўзбек тилида

Абстракт	мавҳум
Адаптация	мослашув
Актив	фаол
Активлаштириш	фаоллаштириш
Анализ	таҳлил
Дефиниция	таъриф
Дрилл	машқ
Этап	босқич
Фасилитация	енгиллаштириш, содалаштириш
Интерактив	интерфаол
Метод	усул
Нагрузка	юклама

“Луғат сўзлиги” ҳам алифбо тартибида берилган. Унда ҳам юқоридаги каби русча – интернационал терминлар кўплаб учрайди. Фикримиз қуруқ гап

бўлиб қолмаслиги учун “к” ҳарфи билан берилган терминларни тўлиқ келтирамиз:

Кабинет, календар, каллиграфик, карточка, касбий, кетма – кетлик, кибернетика, кинэстетик, кинодарс, киноэкран, кинофильм, кинокадр, кинолавҳа, киномашқ, кинопарча, кириш, китоб, классификация, клише, код, когнизант, коммуникант, коммуникатив, коммуникация, компара- тив, компетентсия, комплекс, комплект, компонент, компрессия, кон- спект, компьютер, конкурс, концерт, консентрик, консультатив, корреляция, критерий, кумулатив, курс, курсор, кузатиш, кузатув, квалитатив, квантитатив, куникма, кўргазмалилик, кўрик, кўрсатма, кўрсатув, кўрув.

Юқорида келтирилган методик терминларнинг аксарияти ўзбек тилида мавжуд ва қулланиб келинади. Қиёсланг: календар – тақвим, каллиграфия – хуснихат, классификация – тасниф, коммуникант – мулоқатиштирокчиси, компаратив – қиёсий, комплекс – жамоавий, критерий – мезон ва б. Улар орасида ўзбек тилида оммалашган, узундан – узоқ изоҳни талаб қиладиган терминлар ҳам бор: кинэстетик, клише, код, когнизант, консентрик, корреляция, коумулятив, курсор, квалификатив, квантатив.

Луғат терминларнинг қайси тилдан кириб келган, уларнинг луғавий маънолари ўзбек тилида келтирилган.

Қиёсланг:

-абстракция (lot/ Abstraction - uzoqlashish, mavhumlashish) – mfvhumot – qoida; grammatik ~ grammatik qoida

- akademik (yunon. Academeia (mifik qahramon Akadem ismidan)); ~ soat (45 daqiqaga teng o'quv - dars soati); ~ yoki astronomic (60 daqiqalik) soat; ~ grupp (- guruh)

- algoritm (buyuk matematik, astronom Al -Xorazmiy (780-yil Xivada tug'lgan, 580- yil Bag'dodda vafod etgan) nomi lotincha transkripsiyada Algoritmi, Algorismus yoziladi); til materialining ~ I ~ o'zlashtirish Qadami, nutq operatsiyalarini izchil bajarishga oid aniq ko'rsatma); ~ bu qoida har qanday qoida ~ emas, chunki qoida umumiy va xususiy (aniq) ko'rsatma shaklida bo'ladi; Grammatik ko'nikmalar

~ lari; ~ikki tartibli bo'lib, tanib olish (rus, распознающая часть) hamda Topib olish (rus, разрешающая часть) qismlaridan iborat.

Мазкур луғатни ўрганиш унинг терминография талабларига мос равишда тузилганини, сўзликлар пухта изоҳланганини, ундан Фойдаланган киши ўзи учун нафақат термин, балки унинг маънолари ҳақида ҳам етарли маълумот олиши мумкинлиги кўрсатади. Масалан, **абстракция** термини луғатларда шундай шарҳланади:

Абстракция ж 1. Абстракция, абстрактлаш (наrsa ёки ходиса, воқеаларни фикран тасаввур этиш, уларнинг муҳим хусусиятларини умумлаштириб фикр қилиш); 2. Мавҳум тушунча; абстрактлаштириш йўли билан ҳосил қилинадиган назарий хулоса, умумлаштириш; 3. ж. т. мужмал, ноаниқ ёки мавҳум фикр, қуруқ ҳаёл.

Шу термин проф. Ж. Жалолов томонидан қуйидагича

изоҳланган; (abstraktsiya (lot. Abstraction - uzoqlashish, mavhumlashish)
- mavhumot - qoida; grammatik - grammatik qoida).

Куринадики, проф. Ж. Жалолов абстракция терминининг
луғатларда бўлмаган маъносини кашф этади ва бу билан ўқув-
чини янги грамматик термин билан бойитади.

Юқорида баён қилинганлар қуйидаги мулоҳазаларни келтириб
чиқаради.

Проф. Ж.Жалоловнинг луғати лингвометодик сўзлигининг 20-25
фоизини русча ва интернатционал терминлар ташкил қилади.
Бу ҳолат биринчидан, луғатнинг фойдалилик даражасини кескин
пасайтиради ва, иккинчидан соф ўзбекча терминларнинг оммалашишини
чегаралайди;

Ж. Жалоловнинг “Луғати” ни терминографик талқин ва изоҳ-
нинг тўлақонли намунаси сифатида баҳолаш мумкин.
Унинг келгуси нашрларида ноўрин қўлланган русча ва интернационал
терминларни ўзбек эквивалентлари билан алмаштириш мақсадга
мувофиқ бўлади;

Бизда нафақат инглизча лингвометодик луғатлар, балки
Чет тил - ўзбекча луғатлар ҳам ўрганилган эмас.

Адабиётлар:

1. Ж.Жалолов “Чет тили ўқитиш методикаси”.-Т; Ўқитувчи 2017.
2. Русча - ўзбекча луғат О.Усмонов, Р. Абдурахмонов таҳрири остида . Тошкент,
ЎзФА, 1950

INNOVATIVE
ACADEMY